

Акбар КАЗАКБАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар
кафедраси мудири

МУҲАММАД АЛ-МУЪИЗЗИЙНИНГ «ТАСРИФ УЛ-АФЪАЛ» АСАРИДА АРАБ ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

ВИДЫ ГЛАГОЛОВ В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ В “ТАСРИФ УЛЬ-АФЪАЛ” МУҲАММАДА АЛЬ-МУЪИЗЗИ

TYPES OF VERBS IN ARABIC LANGUAGE IN “TASRIF UL-AF’AL” MUHAMMAD AL-MUIZZI

Аннотация. Соҳа мутахассиси сифатида шарқишунос, арабишунослар учун араб тили ва унинг грамматикасини ўрганишида сарф ва наҳв уламоларининг давримизга қадар етиб келган асарларини тадқиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шундай олимлардан бири Муҳаммад ибн Аби ал-Қосим ал-Муъиззий бўлиб, унинг “Тасриф ул-аф’ол” асарини ушбу мақола доирасида тадқиқ қилиш мақсад қилинди.

Калит сўзлар: “Тасриф ул-аф’ол”, асар, сарф, наҳв, шарқишунос, араб тили, феъл.

Аннотация. Для востоковедов и арабистов, как отраслевым экспертам, одна из актуальных проблем сегодняшнего дня является изучать работы ученых-лингвистов и грамматистов, сохранившиеся до наших дней, в изучении арабского языка и его грамматики. Одним из таких ученых был Мухаммад ибн Аби аль-Касим аль-Муиззи и в этой статье рассмотрим его работу “Тасриф аль-Афал”.

Ключевые слова: “Тасриф аль-Афал”, произведение, синтаксис, грамматика, востоковед, арабский язык, глагол.

Annotation. For orientalists and Arabists, as branch experts, one of the pressing problems of today is to study the works of linguists and grammarians that have survived to this day in the study of the Arabic language and its grammar. One of these scholars was Muhammad ibn Abi al-Qasim al-Muizzi, and in this article we will consider his work “Tasrif al-Afal”.

Keywords: “Tasrif al-Afal”, work, syntax, grammar, orientalist, Arabic language, verb.

КИРИШ

Муҳаммад ибн Аби ал-Қосим ал-Муъиззий бўлиб, унинг “Тасриф ул-аф’ол” асарини яратишда феълларнинг ясалиши, уларнинг мавжуд турлари ҳақида асарнинг аввалида, яъни “الباب الأول في تفصيل الأبنية” (феълларнинг тузилиши, ясалиши тафсилотлари) деб номланувчи биринчи бобида тўхталиб ўтган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кўпгина арабшунос олимлар сингари Муъиззий ҳам феълларнинг тузилиши борасида ўзининг таснифини бериб ўтган. У феълларни саҳих, мудоъаф, мисол, ажваф, нокис, лафиф ёки мултавий бўлиши мумкинлигини айтади.

Муаллиф мудоъаф (иккиланган) феълларни саҳих феъллар қисмида келтирмайди, балки уни алоҳида қисм сифатида келтиради. Шунингдек у ҳамзали феълларни ҳам саҳих феъллар қисмида келтирмайди. Бу билан гўё у сарф илми олимлари феъллардаги ҳамза атрофидаги ихтилофлардан ўзоқ бўлишин истаганга ўхшайди. Чунки баъзи олимлар ҳамзани баъзи ҳолатларда ўзгаришларга учрагагини инобатга олиб, уни иллатли ҳарфлар қаторига киритади, бошқалар эса уни саҳих ҳарф, унинг иллатга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблайдилар [1, 105].

Муъиззийнинг саҳих феълларга берган таърифидан саҳих ва солим феълларни бир бирининг ичига киритиб юборганлигини кўришимиз мумкин. яъни саҳих феъллар ҳамза ва иккиланишдан солимдир демоқчи бўлгандек. Абдулқодир ал-Журжоний ҳам ўзининг “ал-Мифтах фи ас-Сарф” асарида феълларнинг тақсимланиши бўйича: “сулосий феъллар етти бобга (турга) бўлинади, улар: саҳих, мудоъаф, маҳмуз, мисол, ажвоф, нокис ва лафиф” [1, 120] шаклида келтиради. Ҳамзали ва мудоъаф феъллар саҳих феъллар таркибида келтирилмайди. Ибн Яъиш ўзининг “шарҳ тасриф ал-Мулуки” [3, 552] китобида ҳамзали феълларни саҳих феъллар таркибига киритади. Ҳозирги кунда сарф илми китобларида тўхтамга келинган тақсимланиш бўйича саҳих феъллар ўз ичига солим, ҳамзали ва мудоъаф (иккиланган) феълларни олади.

Мухйиддин Абдулҳамид “Дурус ат-тасриф” (тасриф дарслари) китобида: “саҳих - ўзаги

иллатли ҳарфлардан холи бўлган феъллардир, шундай феълларда ўзак ҳарфи ҳамза ёки иккиланган бўлмаса солим деб аталади, агар ўзакларидан бири ҳамза бўлса, ҳамзали бўлади, агар иккинчи ва учинчи ўзаги бир хил ҳарф бўлса иккиланган бўлади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, сулосий (қўшимчасиз) феъллар саккиз қисмга бўлинади, улар: солим, ҳамзали, мудлғаф, мисол, ажваф, ноқис, лафиф макрун, лафиф мафрук” [4, 135] деб келтиради.

Муъиззий эса саҳих, яъни соғлом, тўғри феълларга қуйидаги таърифни беради:

«فالصحيح ما لم يكن فيه تضعيف ولا اعتلال نحو: ذهب،

دحرج»

«Яъни, саҳих феълда ўзакнинг иккиланиши ва иллатли ҳарф бўлмайди. Масалан: ذهب - “кетмок”, دحرج - “тушмок”.

Рус арабашунос олимлари бу масалага бироз бошқача таъриф берадилар. Б.М.Гранде бундай феълни “سالمة”, яъни “правильные (по арабской терминологии «سالمة», целые)”- деб айтади. [15, 24]

Бундан бошқа феълларни эса “غير سالمة”, яъни “неправильный” деб ажратади.

Бундан фаркли ўларок доктор Антуан Дахдах феълларнинг саҳих бобига “سالمة” - тўғри, “مهموز” - ҳамзали на “مضاعف” - иккиланган феълларни киритган.

Тўғри ўзаклилар ҳақида гап борганда Б.М.Гранде қуйидаги таърифни беради: “бундай феълларнинг ўзак товушларига «қаттиқ» ва «мустаҳкам» бўлган ва кўп ҳолларда уччаласи ҳам турли хил бўлган ундошлар киради. Тўғри ўзакли феълларнинг ўзак ундошларининг «мустаҳкам» дейилишига сабаб шундаки, бу ўзаклар ўзгармайдилар, тушиб қолмайдилар ва бошқаси билан алмаштирилмайдилар” [15, 25].

Бу таърифлардан шуни айтиш керакки, тўғри, яъни “صحيح” феълларнинг ўзак ундош ҳарфлари мустаҳкам бўлиб, уларда иллатли ҳарфлар, шунингдек, ўзакларнинг иккиланиши бўлмайди

Маълумки, араб тилида уч ўзакли феълларда 1 ва 3-чи ўзаклари бир хил булган ёки, араб тилида умуман кам учрайдиган бир ва 2-чи ўзаклари бир хил бўлган тўғри ўзаклилар мавжуддир. Лекин 2 ва 3 узаклари бир хил бўлган феълларга келсак, улар нотўғри феъллар гуруҳига тегишли бўлиб, ўз хусусиятлари бўйича «иккиланган» феълларнинг алоҳида

гуруҳига ажралади. Муъиззий ҳам ўз асарида иккиланган феълларга таъриф бериб, уларни иккига, яъни 3 ўзакли ва 4 ўзакли иккиланган феълларга бўлади ва қуйидагича таърифни беради:

«فالمضاعف الثلاثي هو ما تجانس في مقابلة عينه ولامه

نحو: فرّ، والمضاعف الرباعي هو ما تجانس في مقابلة فائه ولامه

الأولى وعينه الثانية نحو: صرصر»

«Яъни, уч ўзакли мудоъаф феъли - бу «аъйн» ва «лом»и, яъни 2 ва 3 ўзакларнинг ўрни бир хил бўлганига айтилади, масалан: فرّ - югурмок; 4 ўзакли мудоъаф феълнинг «фа» си (1-ўзак), унинг 1 «лом»и ва унинг 2 «аъйн»ининг ўрни бир хил бўлганига айтилади, масалан: صرصر - қалтирамок, силкинмок».

Агар 4 узакли мудоъаф феълга берилган таърифни аниқлаштирадиган бўлсак, «фа», яъни 1- ўзак, 1- «лом», яъни охиридан битта олдинги ҳарф ва 2- «аъйн» бу ҳам охиридан битта олдинги ҳарф “ص” ҳарфи билан ифодаланганлигини билдиради. Бундай ўзакли феъл ёки исмларни Б.М.Гранде «редуплицированные корни» деб атайди. [15, 28]

Сарф илмига бағишланган араб тилидаги манбаларнинг баъзиларда иккиланган феъллар ассимиляция қилинган ҳарфларнинг ташдидланиши сабабли الفعل الأصم атамаси билан ҳам аталган [4, 441]. Журжоний ҳам иккиланган феълларни المطابق деб атайди [5, 120].

Муаллиф иккиланган феъллардан сўнг «мисол» (مثال), яъни тўғрига ўхшаш феълларга таъриф беради. Сарф илми олимлари мисол (тўғрига ўхшаш) феълларининг бундай номланишига сабаб, бу феъллар саҳих (тўғри) феъллар каби барча ҳарфлари ҳаракатларни қабул қилиши бўлган [6, 190].

Муъиззийнинг таърифи бўйича

والمثال: ما كان في مقابلة فائه واو أو ياء نحو: وعد ويسر

Яъни, мисол феъллар деб, “фа” ўзакнинг ўрнида “вав” ёки “йа” бўлган феълларга айтилади, масалан: وعد ваъда бермок, يسر «пулга ўйнамок».

Бундай феълларни араб тили грамматикаси олимлари «подобные правильным» ёки “подобноправильные” каби атамалари билан атайдилар. Нима учун бундай «мисол», яъни ўхшаш» деб аталишига чуқурроқ таъриф берсак, Б.М.Гранде шундай дейди: «бундай феълларнинг кўпгина шаклларида тўғри феълларга нисбатан солиштирилганда ҳеч

қандай ўзгаришлар бўлмайди. Яъни бошлангич иллатли унли ўз хусусиятини ўзгартирмайди. Бундай феълларнинг тусланиши тўғри феълларнинг тусланишидан унчалик катта фарқ қилмайди. [15, 38] Уларнинг «ўхшаш» деб номланиши ҳам шундадир. «Мисол» феълларнинг II, II, V ва VI боблари худди тўғри феъл бобларининг тусланишига мос келади.

Бундай феълларининг нотўғри фел дейилишига сабаб ҳам уларнинг бошқа боб кўринишларида ўзгаришга учрашидадир.

«Мисол феълларидан сўнг ал-Муиззий “ажваф” феълларнинг тузилишига таъриф беради.

والأجوف: ما كان في مقابلة عينه واو أو ياء أو ألف منقلبة عن إحداهما نحو: قال، وباع أصلهما قول وبيع. هذه الثلاثة تسمى حروف الاعتلال

Ажваф феъл деб - «айн», яъни иккинчи ўзакнинг ўрнида «вов» ёки «йой» ёки бу иккисидан бири айланган «алиф» бўлган феълларга айтилади. Масалан: قال - демоқ, باع - сотмоқ. Асли эса, «قول» ва «بيع»дир. Бу уч ҳарф, а, иллатли ҳарфлар дейилади. Муъиззийнинг «алиф аслида “вав” ёки “йай” айланган» деган таърифида “алиф”нинг ўзи аслида иллатли ҳарф эмаслигига ишора бор, чунки у доим “вав” ёки “йа” дан алифга айланади. Ҳозирги кундаги сарф олимлари ҳам мана шу фикрни илгари сурмоқдалар. Сарф илмини ўрганишда товуш кониниятларига таянадиган олимлардан бири Ал-Тайиб ал-Бакуш: “алиф ҳеч қачон ҳарф вазифасини бажармайди, балки фатҳанинг узунлигининг белгиси вазифасини бажаради. “вав” ва “йа” эса баъзан ҳарф, масалан ҳаракатланганда, баъзан ҳаракат вазифасини бажаради ва чўзиқ унлини ифодалайди. Шунинг учун алифни иллатли ҳарф ҳисоблаб бўлмайди” [7, 21] деган фикрни келтиради.

Сарф илми китобларида ажваф феълларининг ўртасида келадиган “алиф”нинг аслини билиш икки йўлнинг бири билан амалга оширилади: биринчиси феългга فعل вазни га солиш мас. قال فعل من ة ونام نومة. вазнига солиш мас. صاغ فعل من و أصوغ من. Ҳозирги келаси замон шаклига ўтказиш орқали аниқланади. [8, 84-85]

Таъриф берилган бу феъл ҳозирги кунда бўш феъллар» деб номланиб, у ҳақида кўпгина нахвчи олимлар тўхталиб ўтганлар. Қуйида

эса, муаллиф қолган феълларнинг тузилишига жумладан, араб тилида етишмовчи ёки инокис» (ناقص) деб аталувчи феълга таъриф беради: والناقص ما كان المعتل في مقابلة لأمه نحو: رخص ورضي ودعا ورمى أصلهما دعو ورمي.

«Яъни, нокис феъл деб - «лом 3-ўзак ўрнида иллатли ҳарф бўлганига айтилади. Масалан: رخص - «нозик бўлмоқ», رضي - рози бўлмоқ», دعا - чақирмоқ», رمي - отмоқ», бу иккисининг асли «دعو ва رمي дир»

Абдулқоҳир нокис феъллар “ذو الأربعة” деб ҳам номланишини келтирган [9, 120].

Муъззий уз асарининг биринчи фаслини «лафиф» ва «мултавий» феълларига таъриф бериб тугатади мана шундай дейди:

واللفيف ما كان المعتل في مقابلة عينه ولامه نحو: روي وقوي.

والموتوي ما كان المعتل في مقابلة فائه ولامه نحو: وشى ووجى.

«Яъни, «лафиф» феъл деб - «лом ва айн урнида иллатли ҳарф бўлганига айтилади, масалан: روى - хабар бермоқ, قوى - кучли бўлмоқ. атамаси Халил бин Аҳмад ал-Фароҳиди ал-Басрийга кўра бундай феъллар таркибидан иллатли феъллар кўплиги учун бундай номланган, аралашма таомга ўхшатиш, яъни маккажўхори, арпа ва буғдой аралашмасидан тайёрланган таом [10, 325]. Шунингдек, икки иллатли ҳарфлар билан ўралган бўлгани учун (التفاف), илтифаф [11, 453] бўлгани учун “лафиф” номини олган мултавий феъл деб эса, фа ва лом ўрнида иллатли ҳарф бўлганига айтилади, масалан: وشى - «гул тикмоқ ва وجى - урмоқ. Бу атама Ибн Муаддабда феълдаги икки иллатли ўзак соғлом ўзак билан التواء чалкашиб кетгани учун “лафиф мафрук” (биринчи ва учинчи ўзаги иллатли бўлган феъл) феълларни билдириш учун ишлатилади [12, 335].

Юқорида икки феълга, яъни лафиф ва «мултавий феълларига берилган таърифга янада аниқлик киритсак, аввало, бу сузларнинг луғавий маъносидан келиб чиксак, لفيف сўзининг грамматик маъноси “икки карра нотўғри» феъл деган маънони англатади. «الموتوي» -эса чалкаш деган маънони билдиради. [13, 264]

Б.М.Гранде лафиф» феълларни икки маротаба нотўғри бўлган феъллар гуруҳига киритиб, шундай дейди: «икки маротаба нотўғри феъллар - 2 та ўзак ҳарфлари иллатли бўлган феъллардир. Бундай феълларни араб

наҳвчилари «чалкаш», «алмашган» - деб атайдилар» [15, 42].

Бу таъриф билан Гранде, Муъиззий айтган «мултави» феълини «лафиф» феъл турига киритиб юборган. Агар феълларга берилган луғавий маънодан келиб чиқсак, Муҳаммад Муъиззийнинг тўғри номлаганини биламиз. Албатта Гранде бошқа олимларга нисбатан илк маротаба ноқис феълларнинг таърифи ва таснифни кенгрок қилиб берган. Бу Антуан ад-Даҳдах ҳам ўзининг “معجم قواعد العربية العالمية عربي-إنجليزي” китобида Гранде сингари «мултавий» феълларини «лафиф» феълларга киритади ва шундай таъриф беради:

معتل الحرفين ويقال له اللفيف وهو قسمان:

1 - لفيف مفروق: معتل الفاء مع اللام

2- لفيف مقرون: معتل العين مع اللام. [41, 401-411]

«Яъни, 2та ҳарфи иллатланган феъллар «лафиф» феъл деб айтилади ва у 2 хил бўлади:

1- «لفيف مفروق» бўлиб, бундай феъллар Муъиззийнинг таърифига кўра «мултави» яъни I на 3 ўзаклари иллатли ҳарф бўлган, икки иллатли ўзак ҳарф соғлом ўзак билан ажратилган (мфروق) феъллардир;

2 - «لفيف مقرون», яъни икки иллатли ўзак ҳарф боғланган, ёнма-ён бўлиб келган «лафиф» феъллардир.

Агар муаллиф томонидан юқорида берилган феълларнинг тузилишига тугри назар ташласак, унда «مهموز» ҳамзали ва уч маротаба нотўғри бўлган феъллар тузилиши берилган таърифни учратмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. التفتازاني في شرحه مختصر تصريف العزي ص 501
2. عبد القاهر الجرجاني. المفتاح في الصرف. مؤسسة الرسالة - بيروت 7891م ص. 63 (120)
3. ابن يعيش في كتابه شرح التصريف الملوكي ص 73. المكتبة العربية بالحلب 3791م (255)
4. محيي الدين عبد الحميد. دروس التصريف. المكتبة العصرية - بيروت. 5991 ص 531:831 (422)
5. عبد الكريم بن محمد الفكون. فتح اللطيف في أرجوزة المكودي في التصريف. رسالة دكتوراه عام دراسي 4002-5002. جرائر (255) 144
6. شرح مختصر تصريف العزي للتفتازاني. المكتبة الأزهرية للتراث. ص 19 (122)
7. عبد القاهر الجرجاني. المفتاح في الصرف. مؤسسة الرسالة - بيروت 7891م ص. 93 (021)
8. بدر الدين العيني. ملاح الألواح في شرح مراح الأرواح في التصريف ص 091 523
9. الدكتور الطيب البكوش. التصريف العربي من خلال علم الأصوات الحديث. المطبعة العربية- تونس. 2991 ص: 12 (291)

10. ابن جني المقتضب من كلام العرب. مكتبة الثقافة الدينية. القاهرة 6002 ص 48، 58 (352)
11. - تأسرلا تأسسوم. فرصلا في حاتفلا. ي. ناجرجلا رهاقلا دبع. (120) 42 ص. م 1987 توريب
12. دقائق التصريف. أبو القاسم ابن المؤدب. دار البشير - دمشق 4002م. ص. 523 (347)
13. بدر الدين العيني. ملاح الألواح في شرح مراح الأرواح في التصريف ص 354
14. دقائق التصريف. أبو القاسم ابن المؤدب. دار البشير - دمشق 4002م. ص. 533 (347)
15. أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 2991. ص. 411-401
16. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Изд.вост.лит., 1963.